ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

НЕЗАВИСИМОСТЬ В МОЕЙ СУДЬБЕ

# МЫ ЛЮДИ СВОБОДНОЙ СТРАНЫ

**За минувшие четырнадцать лет налицо значительный прогресс в становлении и укреплении национальной государственности. Но самое главное – за этот период в стране выросло поколение новых людей, мышление которых свободно от заскорузлых догм и всяческих измов. Именно ей, молодежи XXI века, продолжать дело отцов во благо Родины.**

**Малика МАХКАМОВА, будущий историк:**

– Среди важнейших завоеваний независимости – возврат бесценного исторического наследия. Долгие годы имена наших великих предков просто замалчивались или, хуже того, очернялись. Великий полководец Амир Темур был представлен в виде жестокого тирана, хотя его многочисленные достижения заслуживали внимания. Сегодня руководство страны ведет активную работу по восстановлению утраченных страниц истории, и я, как представитель исторической науки, вижу свою главную задачу в правдивом отображении прошлого и настоящего. Да, проблем еще немало встает на нашем пути, но, объединившись, мы в едином порыве сумеем преодолеть их.



**Одыл ЗАФАРОВ, студент:**

– Благодаря обретению независимости я и миллионы моих сверстников имеем возможность беспрепятственно учиться на родном языке. Как известно, в прежние годы роль и значение национальной культуры и языка несколько занижались. Не хватало квалифицированных преподавателей, да и учебные пособия оставляли желать лучшего. Ныне же, благодаря реформам в сфере образования, эти проблемы находят свое разрешение.

**Александр ИСИН, предприниматель:**

– В нашей стране бок о бок живут и трудятся представители многих национальностей и народностей. И каждый из них вправе выбирать себе занятие по душе. За последние годы заметно расширилось, в частности, и поле деятельности людей, занимающихся бизнесом, более того, созданы все необходимые для этого условия. Конечно, встречаются еще бюрократически настроенные чиновники, но верится, что в скором времени будет искоренен и этот недостаток. Как человек, заставший еще плановую экономику, не могу не радоваться развитию частного бизнеса, но больше всего радует то, что мы свободные люди, живущие в свободной стране.

Нынешний год для Анастасии Голиковой выдался весьма удачным. Она успешно закончила школу-гимназию и осуществила заветную мечту – стала студенткой Института иностранных языков. На протяжении нескольких лет девушка будет изучать немецкую филологию, а затем, чтобы еще более расширить горизонт своих знаний в данной области, планирует обязательно посетить Германию. По словам мамы, Марины Олеговны, Настя – натура целеустремленная и умеет добиваться своего. Сегодня, когда позади тестовые испытания, волнения и тревоги, Настя отдается музыке, которая, по ее словам, очень помогает ей в жизни. Музыка для нее – не просто увлечение, в свое время она закончила музыкальную школу по классу фортепиано. Оставшееся до начала занятий время Настя стремится провести в кругу друзей, в которых ценит верность и искренность.

– Но больше всего в этой жизни, – говорит Настя, – ценю мир и спокойствие на нашей земле. Какое счастье провожать ушедший и встречать новый день не под тревожные сводки омрачающих нашу действительность событий, а радоваться ярким лучам солнца, светлым лицам окружающих тебя людей. Легко и радостно становится на душе, когда видишь, как беззаботно шагают в школу дети, а взрослые с уверенностью смотрят в будущее. И пусть так будет всегда, пусть никогда больше не повторятся такие трагедии, как в Андижане, и никто не испытает горечи бессмысленных, ничем не оправданных потерь. Верю, что все эти черные дни безвозвратно ушли в прошлое, ну а те, кто еще вынашивает какие-то коварные замыслы, пусть запомнят раз и навсегда – у нас есть кому постоять за благополучие страны. Как и весь наш народ, горжусь вооруженными защитниками, которые в трудную минуту встанут на защиту.

# САНЪАТИМИЗНИ ЖАҲОНГА ЁЙСАМ ДЕЙМАН



Абдумажид ака ва Зулфия опалар фарзандлари Шаҳбознинг санъатга қизиқиши чексизлигини сезиб, бундан жуда хурсанд бўлишди. Чунки улар кенжатойларини ўз касбларининг давомчиси сифатида кўришни хоҳлашарди. Қолаверса, уларнинг орзулари улкан, ўғлини Ўзбекистонда эл таниган ҳофиз бўлишини исташади. Шаҳбоз ота-онасининг ишончини оқлаётганди. Уларнинг берган ҳар бир сабоқларини тезда ўзлаштириб, истеъдодини намоён этди. Дастлаб пианино чалишни ўрганди. Етти ёшли болакай ҳар оқшом ота-онасига янги машқларини намойиш қиларди. Шу тариқа Шаҳбоз миллий мусиқа асбобларига меҳр қўйди. Қизиқувчан йигитчага дутор ва афғон рубобида мўжизакор оҳанглар таратиш қийин кечмади. Табиатан тиришқоқ бўлганлиги боис, мусиқанинг ҳар бир нозик сирларини тезда илғаб олди. Учинчи синфда ўқиб юрган кезларидан бошлаб, унинг иштироки мактаб байрам тадбирларига ўзгача файз киритди. Бу ёқимтой йигитчанинг куйлаган қўшиқлари ва чалган сеҳрли созлари байрам иштирокчиларида ўзига хос таассурот қолдирарди. Бу орада Шаҳбоз мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштириладиган вилоят миқёсидаги мусиқа танловларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. 8-синфда ўқиб юрган пайтида унга яна омад кулиб боқди. Самарқандлик мактаб ўқувчилари ичида тенгсизлардан ҳисобланган бу болакайни Андижон шаҳрида уюштирилган истеъдодли мактаб ўқувчиларининг мусиқа бўйича республика кўрик-танловига жўнатишади. У бу ерда ҳам нимага қодир эканлигини ўз санъати-ла кўрсатди. Афғон рубобида сеҳрли соз таратган йигитчага ҳакамлар фахрли иккинчи ўринни тақдим этишди. Айнан ушбу муваффақияти туфайли яна бир имконият эшиги очилганди. Яъни Шаҳбоз Тошкент давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар лицейига имтиҳонсиз қабул қилинди. У мазкур лицейда анъанавий ижрочилик бўлимида ўз билимларини янада мустаҳкамлади. Ҳамма жойда ҳам истеъдодли киши тезда раҳбарият кўзига ташланади. Шаҳбоз лицейда ўқиб юрган илк кунларидаёқ, зукколиги, изланувчанлиги ва билимга чанқоқлиги сингари ижобий фазилатлари билан устозлари назарига тушди. У лицейнинг тажрибали ўқитувчиси Риффатилла Қосимов қўли остида билимларини янада бойитиб борди. У яқинда Қарши шаҳрида халқ чолғу асбоблари бўйича республика иқтидорли болалар кўрик-танловида (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида) қатнашиб, ут созидаги бетакрор оҳанглари билан йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Шаҳбоз ушбу кўрик-танловда биринчи ўринга муносиб топилди. Бундай юксак унвондан самарқандлик йигитнинг қувончи бениҳоя чексиз эди. Ахир у энди Тошкент давлат консерваториясига имтиҳонсиз кириш имкониятини қўлга киритганди-да.

– Мен ушбу танловда қатнашиб, ғолиблик билан бир қаторда Консерваторияга имтиёзли кириш ҳуқуқини ютиб оламан, деб сира кутмагандим, – дейди қувончини яшира олмаган Шаҳбоз. – Биринчи ўринга сазовор бўлиб, ота-онам ва устозларим томонидан менга билдирилаётган ишончни тўла оқладим. Қолаверса, бу мустақилликнинг биз ёшларга бераётган бир имкониятидир. Мен Истиқлолнинг 14 йиллик тўйи арафасида ушбу улкан ғалабани қўлга киритдим. Келгуси мақсадим, халқимизнинг асрлар давомида ардоқланиб, сақланиб келинаётган миллий санъатини жаҳонга ёйиш. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўзбекнинг бой миллий меросини кўз-кўз қилсам, дейман.

Ҳа, бугун диёримизда Шаҳбоз сингари истеъдодли ёшлар жуда кўплаб топилади. Уларнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги режалари ҳам улкан. Биз бундай истиқлол кашф этган ёшларга омад ёр бўлишини тилаймиз.

# РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

**Аввал хабар берганимиздек, айни кунларда Осиё давлатларининг диққат эътибори Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежининг спорт манежида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтаётган Осиё чемпионатига қаратилган. Мазкур мусобақалар кун сайин қизғин тус олиб бормоқда. Боиси, бу ерда қитъанинг энг кучли полвонлари баҳслашишмоқда.**

Бизнинг вакилларимиз ҳам ушбу нуфузли мусобақада ўз рақибларига муносиб қаршилик кўрсатиш мақсадида терма жамоамиз бош мураббийи Комилжон Толипов етакчилигида Чорвоқда бир ойлик ўқув йиғинни ўтказишди. Уларнинг қанчалик самарали машғулот олиб боришганини беллашувлар натижалари намоён этади.

Энди анча шов-шувга сабаб бўлган дастлабки кун учрашувлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, чемпионатнинг биринчи совриндорлари 56 кг вазн тоифасида аренага чиққан спортчилар орасида маълум бўлди. Ушбу баҳсларни биринчи бўлиб терма жамоамиз аъзоси Фаррух Ҳусанов бошлаб берди. У даст кўтариш машқларида 96 кг тошни ўзига бўйсундирган бўлса, силтаб кўтариш машқларида эса 110 кг тошни «забт» этиб, жами 206 кг тош билан ўз имкониятини чегаралади. Аммо ушбу вазндаги баҳсларда жануби-шарқий Осиё мамлакатлари вакиллари тенгқурларидан тажриба бобида анча устун эканлигини намойиш этдилар. Силтаб ва даст кўтариш машқлари бўйича бўлиб ўтган учрашувларда таиландлик Тансак Фанлун 240 кг тош кўтариб, терма жамоасига илк бронза медалини туҳфа этди. Шимолий кореялик Ча Ким Чол кумуш медаль соҳибига айланди. Тажриба жиҳатидан рақибларига қараганда анча кучли ҳисобланган хитойлик Сен Биао 266 кг.ни ўзига бўйсундириб, биринчи олтин медаль билан тақдирланди. Ушбу мусобақада Хитой ва шимолий кореялик оғир атлетикачилар нафақат илк медаллар билан, балки Осиёнинг янги рекордини ҳам ўрнатиб, жамоадошларини руҳлантиришди.

Ўтган йил Осиё чемпионати Таиландда ташкиллаштирилганда ушбу вазн тоифасида вьетнамлик Танг Ан Вонг барчани ҳайратлантириб, даст кўтариш машқларида 117.5 кг тошни, силтаб кўтаришда эса 142,5 кг.ни ўзига бўйсундириб, рекорд натижани қайд этган эди.

Ушбу мусобақада бу рекордлар қайта янгиланди. Даст кўтариш синовларида шимолий кореялик спортчи 118 кг тошни кўтариб, рекордни ярим кг.га оширди. Силтаб кўтариш баҳсларида эса кўрсаткич анча юқорилади. Яна ушбу спортчи 144 кг тошни кўтариб, мазкур беллашувларда ҳам рекордни янгилаган бир пайтда, Хитой вакили 146 кг тошни ўзига бўйсундириб, янги рекордни қайта янгилади.

62 кг вазн тоифасида баҳс олиб борган оғир атлетикачимиз Руслан Алпанов мухлислар ишончини оқлай олмади. Ушбу вазнда ҳам медаллар шодаси меҳмонларда кетди. 275 кг тошни «забт» этган хитойлик оғир атлетикачи Хуанг Чунг Ванг олтин медални ўз фойдасига ёзиб қўйди. Шимолий кореялик Ким Унг Док 270 кг тошни ўзига бўйсундириб, туркманистонлик спортчи билан бир хил натижа қайд этган бўлса-да, жамғарган очколар ҳисобига кўра, кумуш медалга муносиб кўрилди. Учинчи ўринни қўлга киритган қардошимиз Тўлқин Худойберганов илк бронза медални терма жамоасига ҳадя этди.

Бизнинг терма жамоамиз учун 48 кг вазнгача бўлган қизлар ўртасидаги беллашувлар муваффақиятли кечди. Ушбу баҳсда иштирок этган икки нафар зарафшонлик дугоналар терма жамоамиз учун дастлабки медаллар шодасини юртимизда сақлаб қолишди. Умумий ҳисобда 72 кг тошни кўтарган Сурайё Тоғаева бронза медалини қўлга киритган бўлса, 110 кг тошни ўзига бўйсундира олган иккинчи ҳамюртимиз Елена Асланова кумуш медалга баҳоланди. Тажриба бобида улардан анча устун бўлган шимолий кореялик рақиблари Жин Ок Жонг олтин медални қўлга киритди. Ҳозирга қадар терма жамоамиз аъзолари ҳисобида 2 та кумуш ва 2 та бронза медаллари мавжуд. Биз навбатдаги учрашувларда йигитларимиздан ҳам медалларни кутиб қоламиз.

ОБЕРЕГАЯ НЕЖНЫЕ РОСТКИ



## БУДУЩЕЕ ЗА МОЛОДЕЖЬЮ

«Молодежь – это наше будущее, и она должна быть умнее, сильнее и, конечно же, счастливее нас», – неоднократно подчеркивает в своих выступлениях Президент Ислам Каримов. И сегодня задача каждого из нас сделать все, чтобы молодое поколение было именно таким, чтобы оно стало надежной опорой, ведь от этого напрямую будет зависеть благополучие и процветание страны. Большой вклад в воспитание достойной смены вносит прежде всего государство. На каждом шагу молодые люди ощущают на себе его поддержку и заботу. Один из ярких тому примеров – вручение наиболее одаренным талантам в области искусства премии «Нихол». Как известно, эта премия была учреждена пять лет тому назад и призвана способствовать развитию юных дарований. С тех пор уже около пятидесяти представителей творческой молодежи стали ее обладателями. А совсем недавно этот отряд пополнился новыми лауреатами. Праздничная церемония награждения проходила в преддверии главного праздника нашей страны – Дня независимости.

Необходимо отметить, что в этот раз на получение премии претендовали 59 человек, но лишь двадцати из них удалось пробиться в финал. Ну а истинными героями и, естественно, обладателями премии «Нихол» стали Муродбек Киличев, Ирода Исмаилова, Элеонора Каткибулатова, Азиз Шохакимов, Абдумалик Абдукаломов, группа «Ёшлар», Фирдавс Пазлиддинов и Лола Юлдашева.

«Для меня эта награда стала в какой-то степени неожиданностью. Я, конечно, очень старалась, но до конца не была уверена, что счастливая звезда упадет мне прямо в руки, – делится впечатлениями студентка II курса Ташкентской государственной консерватории Элеонора Каткибулатова. – Хочется сказать спасибо всем, кто удостоил меня такой чести. Благодарна своим близким и особенно матери, которая всегда и во всем меня поддерживала. Особые слова признательности моему наставнику – доценту консерватории Марату Умарову».

Искренне радовались достигнутому и братья Дильмурод и Фуркат – солисты группы «Ёшлар»: «В очередной раз мы воочию убедились, что руководство республики ни на минуту не забывает о нас. В ответ на такую отеческую заботу мы приложим все силы, чтобы культурное достояние страны росло и приумножалось».

Вместе с премией лауреаты удостоились права на поступление в высшие и средние учебные заведения искусства на льготных условиях, а это, согласитесь, еще один важный штрих в общую, вполне обнадеживающую картину.

# В ПРЕДДВЕРИИ ПРАЗДНИКА



Считанные дни остались до того момента, когда волна праздничных торжеств прокатится по всей стране, прославляя всенародный праздник – День независимости. Концерты, выставки, встречи с интересными людьми – все это станет достоянием наших людей. По уже сложившейся традиции грандиозное представление, в котором примут участие известные певцы и поэты, ансамбли художественной самодеятельности, представители Вооруженных Сил, состоится и в столице республики. Не последняя роль отведена здесь учащимся и студентам. И чтобы все это выглядело единым целым, проходило в гармоничной последовательности, по нескольку часов в день проводятся тренировки. Нагрузки на участников праздничного концерта ложатся немалые, но все они уходят на второй план уже при одной мысли о том, что именно им оказана такая честь, а потому каждый стремится выложиться до конца и воплотить в жизнь задумки художественного руководителя.

# НЕМИСЧА ТЎЙ

Ўзбекларга бирон хонадонга совчи бўлиб бориш учун тугун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир ишни дақиқаю баҳясигача ўз вақтида ҳал этишга ўч бўлган немисларда-чи?

Агар немис хонадонига совчиликка борган эркакка «қуда» томон бўш саватча бериб юборса, демак «куёв»нинг шўри қуриди деяверинг. Чунки бўш саватча «йўқ» деган жавобнинг белгиси. Бордию, жавоб бошқача тарзда кечса, куёв томон совчилик маросимининг кейинги босқичига ўтади. Яна шуниси муҳимки, совчилик бошланган икки томон ўртасида, албатта, иқтисодий мавзуда суҳбат бўлади. Бунда бўлажак келиннинг сепи ва куёвнинг тўйга қўшадиган молиявий ва моддий ҳиссаси келишиб олинади. Бироқ совчиликнинг бу тури чекка ҳудудларда ва айрим қишлоқлардагина сақланиб қолган. Чунки қайлиқ танлаш муаммосини ёшларнинг ўзи ҳал этаётир. Улар фақат одоб юзасидан никоҳларини маъқуллатиш мақсадида ота-оналарига мурожаат қилишади. Шунингдек, немис йигит-қизлари тўйдан олдин бир-бирларининг ота-оналари билан танишади. Тўй ва никоҳдан олдин улар унаштирилади. Унаштириш албатта, ота-оналар ва гувоҳлар иштирокида куёвнинг уйида бўлиб ўтади. Шу куни қиз ва йигит бир-бирининг бармоғига никоҳ узугини тақишади ва биринчи марта расмий равишда ўпишишади. Бу тантана вино ичиш билан тугайди. Унаштириш кечаси тор оила даврасида нишонланади. Агар улар ресторанда ўтирган бўлса ҳам, эски одат бўйича томонлар келишувига биноан куёвнинг ота-онаси харажатларни ўз бўйнига олади. Куёв никоҳ узукларини сотиб олади. Меҳмонлар келин-куёвга совғалар тақдим этади. Унаштганлар ўртадан жой олишади, куёвнинг ўнг томонида ўзининг, чап томонида эса келиннинг ота-онаси ўтиради. Эртаси куни эса унаштирилганлар бир-бирларининг яқин қариндошлариникига бориб, улар билан танишишади ва совғалар қабул қилишади. Шундан сўнг келин-куёвлар расмий никоҳдан ўтмасдан аввал, бироз вақт бирга турмуш кечиради. Улар шу вақт мобайнида бир-бирларини ўрганади, тўйга тайёргарлик кўради. Кейинги яшаш жойлари учун пул тўлашади. Бўлажак келин шу вақт мобайнида тикиш-бичиш, пазандалик ва эмизикли бола тарбияси курсларига қатнайди. Тўйдан кейин куёвнинг уйида қизлар базми бўлади. Унда қизнинг янги ҳаёт остонасига қадам қўйиши ва никоҳдан олдинги «озодлиги» билан хайрлашиши қутланади.

Никоҳдан ўтиш маросимига келин оқ ҳарир либос, никоҳ тожи ва қисқа тўр (фата) ва куёв тақдим этган гулдаста билан, куёв эса замонавий костюм-шимда чиқади.

Никоҳдан ўтиш маросими тантанали равишда ўтказилади. Шу куни янги эр-хотинлар ўз ихтиёрига кўра ё куёв, ё келиннинг фамилиясига ўтишади. Ушбу маросимдан сўнг келин-куёв йигит ё қизнинг уйида йиғилишади. Унга ота-оналар, яқин дўст-биродарлар ва қўни-қўшнилар таклиф этилади. Тўй одатда бирон-та ресторанда ўтказилади. Энг муҳтарам меҳмон зиёфатда нутқ сўзлаб, тўйни очади. Биринчи рақсни эса келин-куёв бошлаб беради. Куёв қайнонаси, ўз онаси ва кейинги аёл қариндоши билан рақсга тушади. Келин билан рақсга тушиш ҳар бир иштирокчи эркак учун шарафдир. Зиёфат кўпинча бир неча соат давом этади. Германиялик ёш келин-куёвлар ҳам тўйдан кейинги ўттиз кунлик асал ойини бошқа Европа мамлакатларидагидек, чет давлатларда ўтказишади.




Материалы полосы подготовили Комилжон ХАСАНОВ, корр. «Ватанпарвара», Аброр ЕСХОДЖАЕВ, Рамиль ИСЛАМОВ и Ольга КИРЬЯКОВА, студенты Национального университета Узбекистана.

# ЮРТДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Айни дамда юртимизнинг қайси гўшасида бўлманг, байрам тайёргарликларига дуч келасиз. Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодиёнасига ҳар бир соҳа вакиллари, ҳар бир жамоа муносиб ҳисса қўшишни истайди, албатта. Айниқса, мамлакатимиз пойтахтида байрамга ҳозирлик ишлари авжида. Боғлару хиёбонлар, кўчалар ҳозирданоқ ўзгача тус олган. Шунингдек, ҳар йилгидек, бу йил ҳам ҳурлигимизга бағишланган янги-янги насрий ва назмий асарлар, қўшиқлар яратилмоқда. Бу наволар истиқлолимизнинг ўн тўрт йиллиги куни катта саҳнада халқимизга намойиш этилади. Айнан мана шу даврада Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг бадиий чиқишларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Шу сабабли ансамблнинг жонкуяр аъзолари кечаю кундуз тайёргарлик ишлари билан банд десак, хато бўлмайди. Нега десангиз, ансамбль бошлиғи – бадиий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор майор Шуҳрат Дадажонов ва шу жамоанинг оммавий байрамларни саҳналаштирувчи режиссёри Анатолий Голошапов билан учрашиб, байрамга ҳозирлик ҳақида суҳбатлашишимиз осон кечмади.

Доимо куй-қўшиқлари билан ҳарбийларимиз ва халқимиз хизматида бўлувчи ушбу бадиий жамоа ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, бугунги кунда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг республикамиз бадиий жамоалари орасида нуфузли ўрни бор. Бу эътирофни Истиқлолимизнинг 14 йиллигига бағишланган катта байрам саҳнасида ҳарбий блок чиқишлари учун ҳар йилгидан-да кўпроқ вақт ажратилгани ҳам исботлаб турибди. Хўш, халқимиз байрам куни ҳарбий ансамбль ижросидаги қандай куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлади? Келинг, саволимизга жавобни ансамбль раҳбари Шуҳрат Дадажоновдан эшитайлик.

– Бу йил Мустақиллик байрами саҳнасида чиқишимизга янада кўпроқ вақт ажратилган. Бу ҳам бўлса, бизга билдирилган эътибор ва ишонч деб ўйлайман. Репертуаримизга тўхталиб ўтадиган бўлсам, дастлаб ҳарбий блок майдонга чиқиб келишида Иброҳим Жиянов шеъри (Ш.Дадажонов мусиқаси) билан янгровчи «Буюк Ўзбекистон» қўшиғини Қуролли Кучлар солистлари ижро этишади. Шундан сўнг «Хотира» деб номланган Истиқлолимиз қаҳрамонларига бағишланган композицион чиқишимизни намойиш этамиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов ижросида «Оллоҳ битта Ватан берган пешонамизга» дея бошланувчи (Садойи шеъри, Анор Назаров мусиқаси) қўшиқ халқимизга манзур бўлади, деб умид қиламан. Бадиий чиқишимизни «Менинг армиям» (Гулистон Матёқубова шеъри, Ш.Дадажонов мусиқаси) қўшиғи билан якунлашни режалаштирганмиз. Албатта, саҳнада Миллий Армиямизнинг қудратли кучга эга эканлигини томошабин ҳис қилиб туради. Бунинг учун бизга ҳарбий билим юрти курсантлари ва «Жар» ҳарбий махсус мактаб ўқувчилари елкадош бўлишади. Айни дамда барча имкониятларимиз ушбу байрам тайёргарлигига қаратилган.

Ҳа, юз бора эшитгандан бир бора кўрган афзал, деганларидек Мустақиллигимиз куни ҳарбий ансамбль чиқишларини ўтказиб юборманг, азизлар.

Қайси жамоага ташриф буюрманг, байрам шукуҳи, байрамона руҳни ҳар қадамда ҳис қилишингиз мумкин. Биз бунга Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Қуролли Кучлар Марказий музейида бўлганимизда ҳам бевосита гувоҳи бўлдик. Подполковник Содиқжон Ортиқов етакчилигидаги ушбу музей ва «Жасорат» боғида юртимизда ўтказиладиган оммавий байрамларга катта эътибор қаратилишини кўп бора кўрганмиз. Бу гўшада турли йўналишдаги тайёргарлик ишлари қизғин. Шу ўринда сизга музей илмий ходими Дилором Раҳимованинг фикрларини келтириш ўринли деб ўйлайман.

– Истиқлолимизнинг 14 йиллигига музейимиз ходимлари ҳар йилгидан-да ўзгача шижоат билан тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда. Аввало, музейдаги барча экспозиция бўлимлари янги экспонатлар билан бойитиб борилаяпти. Айни дамда иккинчи жаҳон уруши ва Қуролли Кучлар фахрийлари билан истиқлолимизга бағишланган учрашувлар ўтказилмоқда. Музейдаги кўргазмалар залида ўзингиз гувоҳи бўлиб тургандек, ҳар бир тарихий сана ва байрамларга атаб «Ўзбекистон – Ватаним маним» рассомлар бадиий кўргазмасини ташкил қилиш анъанага айланган. Музей қошидаги «Жасорат» боғида айнан байрам куни ўтказиладиган тадбирларга тўхталадиган бўлсак, ташриф буюрувчилар ҳарбий оркестр ва ҳарбий ансамбль чиқишларидан баҳраманд бўлишади. Ҳарбий савдо шаҳобчалари ва ошхоналари посбонларимиз ва халқимиз хизматига шай туришади, албатта. Умуман олганда, янги экспонатлар билан тўлдирилган Қуролли Кучлар Марказий музей ва болажонлар ҳамда катталар учун барча шароитлар яратилган «Жасорат» боғи халқимиз хизматида.

Биз Мудофаа вазирлиги Маданий ишлари хизматига қарашли ҳарбий жамоаларда олиб борилаётган байрам тайёргарликларига қисқача тўхталиб ўтдик. Истиқлолимизнинг 14 йиллигини муносиб кутиб олиш ушбу жамоаларда қизғин давом этмоқда.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



ВЫСТАВКИ

# СЕМИЦВЕТЬЕ РАДУГИ, МНОГОЦВЕТЬЕ ЖИЗНИ



**У человека одухотворенного, творческого свой взгляд на жизнь, происходящие вокруг события, окружающий нас мир. В этом можно убедиться на открывшемся накануне Дня независимости в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил вернисаже молодых и уже талантливых художников. Познакомить зрителей со своим отношением к мирозданию, поделиться настроением, рассказать о переживаниях организаторы выставки предложили Наргизе Алимовой, Нигоре и Анвару Латыповым, Елмурату Халыкбердыеву.**

Сразу скажу, что задумка удалась. В зале царит особое настроение. Здесь уютно от теплых тонов, энергетически насыщенно от вложенных в работы частичек «я» каждого из молодых людей. В этом уголке хочется громко возвещать с горной выси о своей любви к Родине и чудесному миру, чтобы эхо-трудяга с готовностью подхватывало эту песню души и несло в самые отдаленные дали прекрасной земли, здесь хочется наполниться умиротворением и спокойствием у водной глади Чарвака, пройтись по улочкам древних Самарканда и Бухары, насладиться гулом мощного ветра, срывающего пожухлую осеннюю листву с орешины. Одним словом, хочется очароваться красотой окружающего мира, принять от него предначертанное человеку.



Молодым свойственно сомневаться во всем, непременно искать свое объяснение происходящему. Таково отношение к реалиям повседневности и у выпускников Национального института живописи и дизайна имени Камолиддина Бекзода. Потому каждая их картина отлична от другой, потому семицветье радужных тонов (и несчетное количество полутонов) передается ими в некоей экспрессии, карнавальной игре.



«Подсолнухи» Нигоры Латыповой словно восточные красавицы в безудержном «шодлике» – одна с приспущенной, словно в смущении, головкой, другая – с длинными лепестками-ресницами, третья – яркая сама по себе, в игривом настроении. Интересно, своеобразно творчество Нигоры. Благодаря своим педагогам она, по всему видно, получила хорошую школу академического рисунка и живописи. И ее остальные работы, среди которых «Джида над водой», «Прелюдия осени», «Солнечно» и другие, исполненные в реалистичной манере, подтверждают это.

Несомненно, в каждое произведение художник вкладывает всю широту своей души. Елмурат Халыкбердыев, горожанин по сути, душой и сердцем в горах. Это его стихия. Там он уходит в глубокие размышления, там он питается сильной исполинской энергетикой каменных утесов. Никого не оставят равнодушными «Дорога в горах», «Бричмулла», «Вечер на Чарваке», «Кулаксай» – со звенящей горной речушкой, с камня на камень стремительно перебегающей миллионами хрусталиков-частиц прозрачной воды.



Улочки старой Бухары, спокойная водная гладь, вся в золоте листвы осенняя орешина – это мир красок и образов Наргизы Алимовой. Посуровее воспринимается другой взгляд на горную тему. Но это только дань времени суток. Холодный и промозглый, сумеречный «Туманный вечер» у Анвара Латыпова.

Большинство выставленных работ – пейзажи родного Узбекистана. Испокон веков природа во всем ее многообразии вдохновляет художника, помогает философски осмыслить течение бурно развивающейся жизни, лучше понять окружающий мир со всеми еще не раскрытыми для человечества тайнами.

Выставка молодых художников интересна не только тем, что узнаешь другие имена, знакомишься с новыми полотнами. Это возможность понять настроение нового поколения узбекистанцев с их проблемами, чаяниями, задором и оптимизмом.



На представленной выставке можно воочию убедиться, что в художественный процесс нашей разнообразной и самобытной культуры смело вливается талантливая молодежь. Это ее первые, но довольно успешные «слова». Более смелые проекты еще впереди, потому что потенциал огромен и неисчерпаемо желание творить и создавать, дарить миру прекрасное.

**Подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.**

На снимках: **молодые художники (слева направо) – Е. Халыкбердыев, Н. Алимова, А. и Н. Латыповы; в Выставочном зале.**
Фото **Ярослава КОРУКИ.**

# ЯНГИ АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ

## 4-МАШҒУЛОТ

Ундошларни ўрганишни давом эттирамиз.

Dd ҳарфи:

1) dala, odat, bunyod, modda, jiddiy каби сўзларда тил олди жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) obod, savod, marvarid, zavod, pud, sud, badqovoq, badxo'r каби сўзларда t айтилса ҳам d ёзилади.

Tt ҳарфи tong, tun, butun, o'tin, o't, kut каби сўзларда тил олди жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

Zz ҳарфи:

1) zar, zamon, toza, o'zbek, yoz, g'oz каби сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) iztirob, izquvar, bo'zchi, tuzsiz каби сўзларда жарангсиз ундошдан олдин s айтилса ҳам, z ёзилади.

S ҳарфи sog', somon, oson, asos, olmos каби сўзларда тил жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

### ТОПШИРИҚ

Қуйидаги сўзларни лотин алифбосига ўгиринг.

1. Давлат, депутат, десант, дивизия, дуранг.
2. Замбарак, зарба, застава, захира, зудлик.
3. Тактика, танк, тезюрар, траншея, турник.
4. Сектор, сержант, сканер, снайпер, снаряд, соқчи.

### ЎТГАН МАШҒУЛОТДАГИ ВАЗИФАНИ ТЕКШИРИНГ.

1.Boshliq, bayram, voqea, palov, navro'z, vazifa.
2.Peshona, do'ppi, posbon, poligon, polkovnik, portlamoq, pogon, pistolet.
3.Vagon, vaziyat, vakolat, vzvod, velosiped.
4.Mablag', madhiya, maydon, mayor, mandat, mardonavor, marshal, medal.

**Ильмира ҚУВОНДИҚОВА,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети умумий тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.**

# ВАТАН МАДҲИН ТАРАННУМ АЙЛАБ

Ғазалнавис шоир Ҳайдар Яҳёни «Гулдаста», «Умрим борича», «Тонг қўшиғи», «Юлдузим», «Ғазалим сенга», «Нидо» каби тўпламлари орқали шеърият ихлосмандлари яхши билишади. Шоир кўнгли қаримайди, деганлари шу-да. Кексалик гаштини сураётган бўлса-да, шеър, ғазаллар битишдан чарчамайди. У «Ватанпарвар» муштарийларига, она юрт ҳимоясидаги посбонларимизга истиқлол айёми арафасида Ватан ҳақидаги ғазалларидан туҳфа этди.

## ЎЗБЕКИСТОНДИР

Ватан тан ўлса мен жону,
жаҳоним Ўзбекистондир.
Шу тан бағрида виждон,
ҳам маконим Ўзбекистондир.
Ки мангу равзайи олам
эрур юртим жаҳон ичра,
Яратгандин шу инъомдир
имоним Ўзбекистондир.
Не кулфатдан, не зулматдан
омон чиққан Ватандир бу,
Шукурким мустақил юртим,
замоним Ўзбекистондир.
Жаҳонга юз тутиб юртим,
буюк шаънини тикларкан,
Бари минбардан ўзбеклик
забоним Ўзбекистондир.
Муқаддасдир Ватан сарҳадлари
кўзлар қароғидай,
Буюк тинчликка қалқон
посбоним Ўзбекистондир.
Азиздир зарри ҳоки киндигим
қони тўкилган юрт
Дегай Яҳё улуғ фахрим
ва шоним Ўзбекистондир.

## ҚУЁШ ЎЛКАСИ

Эй ватандош бил бу юртким
жонга ором хонамиз,
Чун Ватан иқболига биз сен билан
ҳамхонамиз.
Не азизу анбиёлар ҳоки бунда жо абад,
Ўзга юртга ҳирс қўйишдан биз тамом
бегонамиз.
Қайга борсак ҳам Ватаннинг меҳри
чорлар тинмайин,
Ўзбекистон гаштидан соғинч
ўтида ёнамиз.
Сўнмагай ўлкам қуёши,
бир умр порлар чунон,
Ҳар ватандошки безар бу юртни
имкон борича,
Зар қуёшнинг нури бирлан субҳидам
уйғонамиз.
Гар қуёш ўлкам учун заррин жилокор
тож эса –
Ҳар биримиз ундаги гавҳар безак-
дурдонамиз.
Дерки Яҳё биз учун сарҳад
муқаддас дахлсиз.
Юртни сотганлар учун бегонадир
остонамиз.

**Ҳайдар ЯҲЁЕВ.**

## ЖОНИМ ФИДО, ИСТИҚЛОЛ!

Бу кун юртим қучоғида музаффарсан,
Ўзбегимнинг қаддин тутган зар камарсан.
Азизсанки, Ватан қадар – жон қадарсан,
Минг бир жоним фидо сенга, Истиқлол!

Қуёш бўлиб келдинг юртим тонги порлоқ,
Тун захмидан озод элим онги уйғоқ.
Бу кунларни оҳ қанчалар, кутдик мунтоқ,
Минг бир жоним фидо сенга, Истиқлол!

Эрк йўлида элатимни бедор этдинг,
Келажаги буюк йўлга сардор этдинг,
Авлодига муносиб шон пойдор этдинг,
Минг бир жоним фидо сенга, Истиқлол!

Қодир Эгам, азиз халқим ўзинг ёқла,
Элим, юртим деганларни омон сақла,
Гар жон керак менинг жоним сенга садқа,
Минг бир жоним фидо сенга, Истиқлол!

**Зулфия Носиржон қизи.**

## БАХТЛАР МАСКАНИ

Тарих-чун ўн тўрт йил гўё бир нафас,
Асрий ютуқларда истиқлол руҳи.
Бу ҳаёт, ҳақиқат – афсона эмас,
Дилларда жўш урар иқбол шукуҳи.

Буюк аждодларнинг ширин хаёли –
Озодлик, ҳуррият юртимда бугун.
Юз йиллик орзулар арғамчи солиб,
Турналар сингари келди бус-бутун.

Бахтиёр маскан деб олди ном юртим,
Саодат байроғи қўлларда маҳкам.
Отам кўрмаганни мана мен кўрдим,
Янги чўққиларга қўйилди қадам.

Суръату, журъату, ғайрат бир бўлиб
Тузилган режалар ечилди бир-бир.
Ҳар лаҳза мазмунга лиммо-лим тўлиб,
Ҳар бир кун қадрига етсангиз арзир.

Тарих-чун ўн тўрт йил гўё бир нафас,
Асрий ютуқларда истиқлол руҳи.
Бу ҳаёт, ҳақиқат – афсона эмас,
Дилларда жўш урар иқбол шукуҳи.

**Маҳмуджон ҚУРБОН,**
**меҳнат фахрийси.**

## ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

**(Марш оҳангида)**

Фаровон кўчангда юриб тўймайман,
Покиза туйғулар териб тинмайман,
Эркнинг оғушида эриб тинмайман,
Мунаввар тонгларинг гўзалдир Ватан,
Бетакрор онларинг гўзалдир Ватан.

Элимнинг умиди пайванд жонимга,
Туганмас булоқсан ғурур-шаънимга,
Меҳримни берайин жонажонимга,
Мунаввар тонгларинг гўзалдир Ватан,
Юксалган шонларинг гўзалдир Ватан.

Миллат дарахтига муқаддас макон,
Авлодлар улғаяр азиз ошиён,
Дилим тулпорига суворий туғён –
Мунаввар тонгларинг гўзалдир Ватан,
Чексиз имконларинг гўзалдир Ватан.

Кўксим тупроғингга айлайин қалқон,
Ўзингга фидодир танимдаги жон,
Менга шараф миллат кўзин тиккан шон,
Юксалган шонларинг гўзалдир Ватан,
Чексиз имконларинг гўзалдир Ватан.

## ЧАШМИ ГАВҲАРИМ КОГОН

Бунёдкорларнинг шаҳри,
Таҳсинга тенг тарихи.
Шони тилларда достон,
Бағри кенг улкан макон –
Чашми гавҳарим Когон.

Ҳар гўшаси мафтункор,
Табиати бетакрор.
Элда кезар ифтихор,
Аҳли доно, қадрдон,
Асл сарварим Когон.

Гўзал эрур сийрати,
Қалбга малҳам зийнати.
Мудом дуода кафти,
Тўкин бўлсин дастурхон –
Меҳрпарварим Когон.

Зиё ёғар дилидан,
Асал томар тилидан.
Сув ичсангиз қўлидан,
Йўлингиз бўлар равон,
Гўзал дилбарим Когон.

Чаманзори гулшани,
Обод уйи, маскани.
Тинчлик эрур мақсади,
Қалбларда тоза иймон –
Оллоҳ назарим Когон.

**Б.БОБОЕВ.**

## МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК

Гўзал юртим остонангдан айланай,
Нурга тўла кошонангдан айланай,
Эрк битилган пешонангдан айланай,
Насиб этган Мустақиллик муборак.

Бугун барча чақ-чақлашиб яйрагай,
Ҳатто қушлар мадҳинг куйлаб сайрагай,
Ёрқин қуёш нурларини таратгай,
Насиб этган Мустақиллик муборак.

Бағрингда бут неча юзлаб миллатлар,
Дастурхонда тўлиб тошган неъматлар,
Ҳур бахтингни қўриқлар ботир мардлар,
Насиб этган Мустақиллик муборак.

**Оддий аскар**
**Аъзамжон МИРЗАРАҲИМОВ.**

## НАМ БДИТЕЛЬНЕЙ И ЗОРЧЕ БЫТЬ!

Давно ли независимость тобою
Днем первым сентября обретена,
Да, видно, под счастливою звездою,
Страна моя, тогда ты рождена.
Как расцвела с тех пор Отчизна
наша!
Такое не увидишь и во сне.
Теперь она – сильней, богаче,
краше,
И в завтрашнем уверены мы дне.
Как святость, государственное дело
Нам предки завещали защищать,
Чтоб никакая нечисть не посмела
Покой родного края нарушать...
Нам дорог мир под нашим небом
чистым,
Традициям священным мы верны,
Но замыслам бредовым террористов
Отпор дадут защитники страны.
И нет – беде, подобной
андижанской,
Нам бдительней и зорче
втрое быть.
Гордимся тем, что есть в
Узбекистане
Все для того, чтоб нам спокойно
жить!



## ТАШКЕНТ – МОЯ ЛЮБИМАЯ СТОЛИЦА!

В судьбе моей, на жизненном пути,
Как мне тобою, город, не гордиться,
Как ты, нигде такого не найти,
Ташкент – моя любимая столица!
Здесь я живу, и здесь мой
дом родной,
Здесь суждено мечте заветной
сбыться.
И в радости, и в горе – я с тобой,
Ташкент – моя любимая столица!
В созвучье чудных песен и стихов
Нельзя в тебя, мой город,
не влюбиться,
С прохладой тени парков и садов,
Ташкент – моя любимая столица!
Гостей твоих попробуй сосчитать –
Для них душою рада ты открыться,
Им о тебе все хочется узнать,
Ташкент – моя любимая столица!
Прославились по свету далеко
Обычай твой и доброта традиций.
Несешь ты знамя спорта высоко,
Ташкент – моя любимая столица!
Куда ни глянь и как ни посмотри –
Во всем смогла ты своего добиться,
Как символ нежной утренней зари,
Ташкент – моя любимая столица!

**Николай БУРТЫШЕВ.**

# БАЙРАМ ТАБРИГИ



Маҳмуд НОМОЗОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист



САИДА РАМЕТОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист



Муқаддас АБДУСАМАДОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Мирза АЗИЗОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

## ТИНЧЛИГИМИЗ – БОЙЛИГИМИЗ

Вақт ҳеч қачон бир жойда кутиб турмайди. Ҳамиша олға қараб интилади. Қаранг, истиқлолга эришганимизга ҳам ўн тўрт йил тўлибди. Демак, мустақилликка эришган йилимиз туғилган болакай бугун ўн тўрт ёшда. Ҳадемай мактабни тамомлайди, ота-онасига, эл-юртга суянчиқ бўлади. Эртанинг Ватан ҳимоячилари улар орасида камол топмоқда.

Аслида, асл йигит Ватан ҳимоячиси бўлади. Ватан – муқаддас даргоҳ. Уни қўриқлаган ўсади.

Истиқлол бизга кўп нарса берди. Мамлакатимизнинг еrosти ва ерусти бойликларига ўзимиз ҳукмронлик қиляпмиз. Энг муҳими, эркин яшаб, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига ташриф буюрманг, улкан ўзгаришлар устидан чиқасиз. Равон йўллар барпо этилмоқда, кўркам кўприклар қурилмоқда. Ажойиб коллеж, мактаб биноларини айтмайсизми?! Хуллас, бунёдкорлик, эзгу ишлар авжида.

Буларнинг бари тинчлигимиз туфайли.

Мен барча ҳарбийларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги билан қутлайман.

## МАДҲИНГИЗНИ КУЙЛАШ БАХТ

Ҳар ким қўлидан келган ишни қилса, ҳаётда ўз ўрнини топади. Куй чалишга иқтидори бўлмаган киши минг чиранмасин, барибир бу ишни эплолмайди.

Менимча, Ватан ҳимоячиси бўлиш учун ҳам истеъдод керак. Ҳарб илмини эгаллашга лаёқати бўлмоғи шарт. Бўлмаса, бу соҳада ўзни намоён этмоғи мушкул.

Мен устига ҳарбий либос кийган барча Ватан ҳимоячиларини буюк истеъдод соҳиблари деб биламан. Уларнинг тинчликни, мустақиллигимизни ҳимоя қилишга истеъдодлари бор. Уларнинг жасорат кўрсатишга истеъдодлари бор. Яъни ўн тўрт йил орасида ютуқларимизга, мустақил ҳаётимизга тош отганлар ҳам бўлди. Ана шунда Ватанимиз ҳимоячилари ўзларини намоён этишди. Душманларимизга муносиб зарба бера олишди.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишта ҳаёти ишончли қўлларда эканлигига ишонаман.

Мен ҳам Ватанимиз ҳимоячиларини Истиқлол байрами билан чин дилдан муборакбод этаман.

## ОНАЛАР ТИЛАГИ

Оналари суюк элнинг фарзандлари буюк бўлади, деган ҳикмат бор. Аёл қадрланган жойда оила мустаҳкам бўлади, баркамол авлод камол топади.

Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки чоғлариданоқ Юртбошимиз, ҳукуматимиз она-бола, аёл саломатлигига катта эътибор бериб, чексиз ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Бола тарбиясида она муҳим роль ўйнайди. Биз оналарнинг тилагимиз битта: фарзандларимиз соғлом, ақлли, эл-юртга садоқатли инсонлар бўлиб камол топсин. Ватаннинг мустаҳкамлиги фарзандларининг садоқати билан белгиланади. Садоқатли посбон кучли посбон. Уни енгиб бўлмайди. Элга садоқат, юртга садоқат она оқ сути, она меҳри билан фарзандларга сингдирилади.

Демак, Ватан ҳимоясида турган ўғлонларимизни мард, жасур, матонатли бўлишларида, аввало, онанинг хизмати, она заҳмати бисёр.

Бизнинг энг буюк байрамимиз бу– Мустақиллик байрами.

Мен барча оналар номидан Ватанимиз ҳимоячиларини ана шу буюк байрамимиз – Мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги билан чин дилдан табриклайман.

## ҲАРБИЙЛАР – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Агар рассом бўлганимда, юрт посбонининг улкан портретини чизардим. Мабодо шоир бўлганимда, юрт посбони ҳақида шундай бир достон яратардимки, тилларда достон бўларди.

Мен артистман. Шунинг учун юрт посбони образини саҳнада, кинода яратиш ишқида ёниб юрибман.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳарбийси бўлиш ҳақиқий фарзандларгагина насиб этади. Мени ҳарбийларга ҳурматим чексиз. Улар Ватанни ҳимоя қилишдек машаққатли ва шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаришмоқда.

Улар ўз постида ҳушёр турганлиги сабабли юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда. Деҳқон далада меҳнат гаштин сурмоқда, қурувчи бунёдкорлик ишлари билан банд. Биз санъаткорлар эл хизматидамиз.

Чегараларимиз дахлсиз, мустақиллигимиз янада мустаҳкамланмоқда.

Мен бир оддий санъаткор сифатида Ватанимиз ҳарбийларига Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин дейман.

# МУНОСИБ СОВҒА ДЕСАК, АРЗИЙДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли бугунги кунда республикамизда таниқли санъат жамоаларидан бирига айланган. Бу ерда ижод қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Шуҳрат Дадажонов, Марат Ҳакимов, Қорақалпоқистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳматов, таниқли ёш хонандалар – «Ниҳол» мукофоти совриндори Исроил Саидумаров, Озодбек Назарбеков, Ирода Искандарова каби бир қатор истеъдодли қўшиқчиларни ўзбек санъатида ўз ўрни, ўз мухлислари бор. Нафақат ҳарбийларимиз, балки халқимиз орасида йилдан-йил нуфузи ошиб бораётган ушбу ансамблни юртимизнинг катта байрамларида, республика қўшиқ танловларида муваффақиятли қатнашиб келаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Куни кеча Мустақиллик айёмининг 14 йиллиги олдидан ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами», республика танловида ҳам ансамбль аъзолари фаол иштирок этишиб, бетакрор санъатлари яна бир бор эътироф этилди.

Танловда ўз санъатларини намойиш этган 20 дан зиёд профессионал қўшиқчилар орасида Қуролли Кучлар ансамблининг хонандалари – шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Шерзод Имомбердиев ва Умид Ҳайдаралиевлар фахрли II ўринни қўлга киритиб, олқишларга сазовор бўлдилар. Иштирокчилар томонидан Иброҳим Жиянов шеъри ва Шуҳрат Дадажонов мусиқаси билан куйланган «Буюк Ўзбекистон» қўшиғига Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти хор жамоаси, Мудофаа вазирлигининг намунали оркестри аъзолари ҳамда ансамбль раққосалари жўр бўлишди.

– Бизнинг бу ютуғимиз албатта кўпчиликка тегишли, – дейди суҳбат чоғида ғолиблардан бири Шерзод ҳаяжон билан. – Ансамблимизда ижод қилишимиз учун барча имкониятлар мавжуд экан, бундан юқори довонларни ҳам ҳали кўп бора эгаллаймиз, деб умид қиламан.

Бу улкан муваффақият Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоасининг Истиқлолимиз 14 йиллигига муносиб совға десак, арзийди. Ғолиблик муборак, ҳарбий санъаткорлар!

**Зулфия НОСИРОВА.**

# СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Футбол

## НАТИЖАЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

Маълумки, ҳар ойда Халқаро футбол федерацияси – ФИФА терма жамоалар кўрсатган натижаларга кўра, рейтинг жадвалини мунтазам равишда эълон қилиб боради.

Август ойи ҳали якунланмаган бўлса-да, ФИФАнинг ушбу ой учун навбатдаги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Шуниси қувонарлики, саралаш босқичининг охирги ўйинида ўз майдонида Қувайт терма жамоасини 3:2 ҳисобида енгиб, плей-офф босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган чарм тўп усталаримиз 561 очко жамғарган ҳолда анча юқорилаб, 62-ўринга чиқиб олишди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоалари орасида учинчи натижадир.

Биринчи ўринни эса қаторасига бир неча ойдан буён сўнгги жаҳон чемпионлари – бразилияликлар эгаллаб келишмоқда.

Стол тенниси

## ХАЙРЛИ НИЯТЛАР БИЛАН

Кейинги йилларда мамлакатимизда стол тенниси жадал ривожланмоқда. Янгидан янги ёш иқтидорлар етишиб чиқмоқда. Грецияда ўтказилган Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз иштироки ҳам фикримиз далилидир.

Куни кеча эса мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси аъзолари жаҳон биринчилиги турнирида қатнашиш учун Хитойга жўнаб кетишди.

Шуни айтиш керакки, спортчиларимиз жаҳон биринчиликларида мунтазам қатнашиб, юқори натижаларни кўрсатиб келишмоқда. Жумладан, ўтган йили ўсмирларимиз элликдан ортиқ мамлакат вакиллари ўртасида ажойиб натижаларни қўлга киритган ҳолда кучли бешликка кириб, мутахассису мухлисларни хушнуд этган эдилар.

Жаҳон биринчилиги тўрт кун давомида ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар 28 августда маълум бўлади.

Кикбоксинг

## ВАТАНДОШИМИЗ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Кипрда профессионал кикбоксингчилар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионати мусобақалари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига муваффақият келтирди.

Шуниси қувончлики, 50 дан ортиқ давлатлар спортчилари иштирок этган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида ўзбекистонликлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.

Мусобақаларнинг финал баҳси эса Озарбойжон, Россия, Греция, Украина, Беларус, Кипр, Англия ва ўзбекистонлик спортчилар ўртасида кечди.

Илгари кикбоксинг бўйича ҳаваскор спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган Шавкат Ўроқов (82 килограмм вазнда) ушбу нуфузли мусобақада ҳам ажойиб натижани қўлга киритди. Нуфузли турнирга рақибларидан кўра пухта тайёргарлик кўрган Шавкат жаҳон чемпиони номини қўлга киритди.

Армейский спорт

## УСПЕХИ НАШИХ АТЛЕТОВ

Новыми успехами на спортивных аренах встречают праздник 14-й годовщины независимости нашей Родины атлеты МХСК.

Достойно выступила на чемпионате мира среди военнослужащих по вольной борьбе, проходившем в Вильнюсе, наша дружина, подготовленная тренером В. Орловым. В личном зачете серебряную медаль чемпионата завоевал младший сержант по контракту Дамир Захартдинов, уступив только в финальном поединке.

На чемпионате мира среди военнослужащих по баскетболу, прошедшем в Самаре, наши баскетболисты во главе с майором Олегом Левиным заняли пятое командное место, оставив за собой такие мощные коллективы, как сборные армейцев Италии, Китая, Голландии, Южной Кореи и Казахстана. Победили же баскетболисты России, обыгравшие в финале литовцев, а третье место завоевала сборная Латвии.

# ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



## Марадона раскаялся, но не жалеет

Диего Марадона по-прежнему не намерен извиняться перед англичанами за гол, забитый в их ворота рукой на чемпионате мира 1986 года. Однако он уже не утверждает, что мяч был забит «рукой Бога», отмечает Би-би-си. В ходе своего вечернего телешоу на местном телевидении бывший капитан аргентинской сборной впервые в деталях рассказал о том, что тогда произошло на поле в том памятном матче. Скандал вокруг того инцидента разгорелся нешуточный: на видеозаписи жульничество Марадоны было видно отчетливо, но результаты матчей в таких случаях не отменяются. Аргентинцы выиграли 2:1, а затем стали чемпионами мира. Для нации, четырьмя годами ранее проигравшей Фолклендскую войну, это был своего рода реванш в споре с Британией.



## Величие или допинг?

Знаменитый американский велогонщик Лэнс Армстронг, являющийся семикратным победителем престижнейшей многодневки «Тур де Франс», для улучшения своих спортивных достижений использовал запрещенные препараты. С таким утверждением выступила французская газета «Экип», которая считается одним из самых авторитетных спортивных изданий. Он использовал эритропоэтин, способный на 30% увеличить выносливость организма и, соответственно, поднять спортивные результаты. Армстронгу вряд ли могут грозить дисциплинарные санкции. В то же время газета не исключает, что полученные учеными результаты могут привлечь к Армстронгу пристальное внимание со стороны Всемирного антидопингового агентства (ВАДА).



## Обнаружена пропажа билетов

Европейский футбольный союз обнаружил пропажу 500 билетов на матч Суперкубка между обладателем Кубка УЕФА московским ЦСКА и победителем Лиги чемпионов английским «Ливерпулем», в связи с чем примет повышенные меры безопасности и не пустит на стадион обладателей этих билетов. УЕФА порекомендовал болельщикам не покупать билеты на матч в Монако у перекупщиков на «черном» рынке и заявил, что обладатели билетов с номерами, соответствующими пропавшим, не будут допущены на стадион «Луи II». Во всех точках доступа на стадион будет производиться строгая проверка для выявления этих билетов.



## Милан Барош перешел в «Астон Виллу»

Форвард футбольной сборной Чехии Милан Барош перешел из «Ливерпуля» в «Астон Виллу». Сумма сделки, по сведениям, составляет примерно 9,6 миллиона евро. Тренер «Астон Виллы» Дэвид О'Лири, который ставит перед командой задачу завоевать путевку в Кубок УЕФА, уговаривал чеха почти месяц. В итоге 23-летний нападающий заключил с «Астон Виллой» четырехлетний контракт. Барош обладает немалым европейским опытом – в прошлом сезоне он помог «Ливерпулю» выиграть Лигу чемпионов УЕФА. «Астон Вилла» – крепкая команда, поэтому не стоит считать этот трансфер шагом назад в моей карьере. В сложившейся ситуации переход в «Астон Виллу» был оптимальным решением», – подчеркнул Барош.

**Подготовил майор З. ХАЙРИТДИНОВ.**

# ТАФАККУР УММОНИ




Я. КОМИЛОВ тузди.

**ОБЪЯВЛЕНИЯ**

● Куплю: холодильники, морозильники, шв.машинку, БК, газ.плиту. Тел.: 176 02 65.

● Редакция газеты «Ватанпарвар» приглашает к сотрудничеству общественных распространителей периодических средств массовой информации. Телефоны для справок: 56 03 46, 56 17 98.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси

**Ҳамид ҒУЛОМнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Управление торговли Министерства обороны РУ выражает искренние соболезнования главному специалисту Управления Гогуеву М.М. по поводу кончины его матери

**Ф А Т И М А Т**

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, юксак малакали матбаачи

**Абдумалик Абдукаримович МАЖИДХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Навбатчи гуруҳ:**
**А. ОБРЎЕВ, В. КАЛОШИН, А. САФАРОВ, Х. ЗАЙНИЛОВ.**

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

**Телефонлар:**
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98 (факс); масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков ва Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

**Газета жума куни чиқади.**

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

**Буюртма** № Ј-1563. **Адади** 20600.